

Халқ овози

1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган.



Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

17 июль, ШАНБА № 140 (635).
1993 йил.
Сотувда эркин нархда.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНА БИР ЯНГИ ЖАМОАТ ТАШКИЛОТИ — ГЕОЛОГЛАРНИНГ МИЛЛИЙ КОМИТЕТИ РЎЙХАТДАН ЎТДИ

Ўзбекистонда янги жамоат ташкилоти рўйхатга олинди. Бу — республика геологларининг миллий комитетидир. Давлат геология комитети, Тошкент давлат ва техника дорифунилари, фанлар академиясининг геология ва геофизика институтини, тармоқларга ва академикларга қарашли бошқа бир қанча муассасалар шу жамоат ташкилотининг муассасаларидир.

Геологлар миллий комитетининг асосий вазифаси халқаро ташкилотларда мустақил республиканинг геология тармоғини кенг намойиш этишдан иборат. Комитет турдош ташкилотлар билан ялми-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш, ялғор тажрибани умумлаштириш ва оммалаштириш билан шуғулланади, тармоқнинг фундаментал ва амалий муаммолари юзасидан биргаликда ишланмалар тайёрлайди.

Республика ҳудудида геологларнинг халқаро анжуманларини, учрашувларини ташкил этиш, шу тармоқдаги

теран ишланмаларга қўмалашадиган, халқ ҳужалигига салмоқли самара берадиган қўшма тажрибаҳоалар ва фирмалар барпо қилиш ташкилотининг энг муҳим вазифалари жумласига киради. Миллий комитет аъзолари маркетинг тадқиқотлари билан шуғулланмоқчи бўлаётганликлари ҳам муҳимдир. Ҳозирги пайтда бундай тадқиқотларсиз дуруст ютуқларга эришиш қийин. Комитет махсус хабарнома ва матбуотномалар нашр этади, уларда геология соҳасидаги илғор жаҳон тажрибалари умумлаштирилади. (ЎзА).

Б У Ю К БРИТАНИЯ МАЛИКАСИ ТОШКЕНТДА

16 июль кунин Буюк Британия маликаси Анна зоти олиялари турмуш ўртоғи билан Қозғистоннинг Олма-ота шаҳридан Тошкентга келди.

Тошкент аэропортида муҳтарам меҳмонларини Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири С. Сафоев ва бошқа расмий кишилар кутиб олди. (ЎзА).

Бундестаг делегацияси ташрифи

16 июль кунин Германия Бундестаги делегацияси Қирғизистон Республикаси пойтахти Бишкекдан Тошкентга келди. Э. Райнхардт коним бошчилигидаги делегация Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлар билан ўзаро ҳамкорлик муносабатлари, Оролбўйи муаммолари, автотранспорт, сув ҳўжаллиги, атроф-муҳит муҳофазаси ва бошқа кўплаб соҳалардаги аҳвол билан яқиндан танишди. (ЎзА).

МЕХНАТКАШ ИЖТИМОИЯ ҲИМОЯДА

ШАҲРИСАБЗ. Коисерва заводи маъмурияти меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялашга бир миллион сўм берди.

Энг муҳими озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш йўлга қўйилди. Яқинда 20 тонна ун, 20 тонна пахта ёғи, 15 тонна шакар келтирилди, арзон нархда сотилди. Камеб буюмлар мол айирбошлаш йўли билан олиниб, ишчиларга тарқатилмоқда.



ҒАЛЛАКОРЛАР ЗАҒАРИ

НАМАНГАН вилояти ғаллакорлари катта меҳнат зафарини кўлга киритди. 18 минг 746 гектар майдонда бошоқли ғалла етиштирган мўлкчиллиги бунёдкорлари ҳар қачонгидан кўп — 26 минг тоннадан зиёд-роқ арпа ва бўғдой тайёрлашга муваффақ бўлишди.

ЯЛПИ ғалла ҳосили олдинги йилдагидан 8,6 минг тоннадан кўп бўлди. Ўрмин барвақт туғаллаган Задаре, Наманган, Тўрақўрғон ва Учқўрғон туманларида ҳосилдорлик юқори бўлди. Ўрми-йиғим иштирокчиларига қўлай шартлар яратиб берилди. Қўшни Қирғизистон Республикаси комбайнчилари ҳам ўзбек ғаллакорларига беиминнат мадад курсатмоқда.

АЪЛОЧИЛАРГА ИМТИЕЗ КАТТА

ЯНГИМАРҲ. Янги лицей ўқувчилари қабул қилишга тайёр.

ГОРЬКИЙ номли мактабнинг яқинда қуриб битказилган биносидаги синфхоналари компьютерлар ва бошқа замонавий ўқув қуроллари билан жиҳозланди. Қабул комиссияси лицейда сабоқ олишни ҳўловчи 200 йигит-қизни тест усулида синовдан ўтказди. Ўқш давомида талабаларга асосан математика, физика, информатика фанлари чуқур ўргатилди. Аъло битирганлар Ўзбекистон ва бошқа мамлакатларнинг олий ўқув юр-ларига ўқишга юборилди.

ИҚТИСОД — ТУРМУШ МЕЗОНИ

ҚАРШИ. Ҳар жума кунин барча ташкилот, корхона, ҳўжалиқлари меҳнат жамоаларида иқтисодий ўқув ташкил этилди.

ОЛИМЛАР, етатчи мутахассислар, вилоят сийбсий-оммавий маркази ходимлари жойларга чиқиб меҳнаткашлар билан учрашмоқда. Иқтисодий илмини эгаллаш ва унинг аҳамияти ҳақида тушунча бераётган Ўзбекистонда амалга оширилган иқтисодий ислохотлар тўғрисида фикр-мулоҳазалар ҳам баён этила-пти.

УИ ҲУСИЯГА ҲУСН ҚУШАДИ

ХАТИРЧИ. Қўрсарой кишлоқдан топилган гранит тошлари пишиқлиги ва ранг-баранг товланиши билан мутахассисларнинг эътиборини тортди.

КОНДАН фойдаланиш жадал бошлаб юборилди. Шу мақсадда цех очилди. Энди корхона ойига 250 куб метр тошларга жйло бериб буюртмачиларга жўнатади.

ЕТТИ ХАЗИНАНИНГ БИРИ

НАВБАҲОР. Янгиқўрғон жамоа тў-жалигида жўма очирадиган инкуба-ция йиғи тўшди.

ҚИСКА Фурсатда йигирма бир мингдан ортиқ жўма очирлиб, ҳўжалиқларга сотилди. Корхона ишбилармонлари очирадиган ту-хумини Бухоро паррандачилик фабрикасидан келтиришяпти.

«УМИД» — ҚАРИЯЛАР ХИЗМАТИДА

ЗАРАФШОН. Шаҳар ҳўжалиқчи қошида «Умид» меҳр-шафқат ва кайфия жамғармаси тўзилди.

МАҚСАД — ногирону ёрдамга муҳтож-ларни қўллаб-қувватлаш. Қариялар уйидаги саксон ишдан оғналларга йигирма саккиз минг сўмлик озик-овқат тарқатилди. Уларнинг Тошкент ва МДҲ мамлакатлари шифохона-ларида даволанишлари учун 235 минг сўм ажратилди.

ИШЛАР ЮРИШИБ КЕТДИ

УРҒАНЧ. Шаҳарликларнинг катта гуруҳига квартирага эғалии қилиш ҳўқуқини берадиган шарафномалар топширилди.

УЙЖОП ва коммунал ҳўжалик тизимда махсус хизмат ташкил этилган, ишлар юри-шиб кетди. Энди квартирани хўсусийлашти-риш учун арза бериш зарур миқдордаги пулни тўлаш қийин. Минжоз ҳўқуқлари ва за-рур имтиёзлари текиширилгандан сўнг хў-сусийлаштириш хизмати мутахассислари ҳўжатларни тайёрлайдилар. Шундай қилиб, уруш фахрийлари, муаллимлар, тиббиёт ходимлари, иқидий уюшмаларнинг аъзоларига эғалари яшаб турган уйлар текинга хўсусий-лаштириб берилаяпти.

ЯНГИИЛАКЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида

Республика Ҳўкумати 1993 йил 28 июлдан бошлаб қийимлик қийимлик маҳсулотлари ва озик-овқат товарла-рининг айрим турлари бўйича шартномавий (эркин) тарғид ва чакана нархларга ўтишга қарор қилди. Мол, сўт, картошка ва пийзанинг харид нархлари, шунингдек, гўшт, қаймоқчи олинмаган сўт, макарон, ўсимлик мойи, қанд-шакар, чой ва кир соғунишни чакана нархлари эркин кўйиб юборилди ва шартнома асосига ўткази-лади.

Бунга ишланмалар сабаб бўлди! Уларнинг фақат асосий-ларини санаб ўтамиз:

Биринчи сабаб. МДХнинг барча республикаларида амалда қийимлик ҳўжалиги маҳсулотлари барча турла-рининг харид нархлари биз-дагига қараганда анча ол-дин шартнома асосига ўтқа-вилган, бу тайёр озик-овқат

маҳсулотлари нархларининг жиддий равишда ўсишга олиб келди. Бизда эса, маъ-лумки, меҳнаткашлар иж-тимоий аҳволининг кескин ёмонлашувига йўл қўймаслик

Буларнинг барчаси чега-ралар номингагина мавжуд бўлган бир шартнома хом-аше ва товарларнинг қўшни республикаларга ўтиб кети-шига олиб келмоқда, бож-хона хизматлари эса улар-нинг жуда оз қисминигина тўхтатиб қолмоқда.

(сўм/кг)

Мол гўшти	Сўт		Усимлик мойи	Чой	Ун	шакар Қанд.
	давлат дўкониди	бозорда	давлат дўкониди	бозорда	давлат дўкониди	бозорда
Олмаота	800	1500-2500	110	100-150	—	800
Бишкек	700	900	90	—	750	—
Минск	450	1100	30	50	400	—
Киев	800	—	80	—	125	—
Москва	900	4000	125	530	400	600
Тошкент	600	1200	80	150	200	—
					1850	70
					3500	200
					2325	80
					2400	60
					800	30

Иккинчи сабаб. Совет Ит-тифогининг парчаланиб кети-ши ва унинг ҳудудда бир қанча мустақил давлатлар вужудга келганини ўзаро янги иқтисодий муносабат-ларнинг тақозо этди. Бошқа-рунинг маъмурий-буйруқ-бозилик тизими ҳамма жойда нархларнинг аркинлаштири-лишига асосланган бозор иқ-тисодиёти билан алмашти-

рилмоқда. Бунда давлат қат-тиқ назоратин бекор қилиб, талаб ва таклиф асосида маҳсулотларга нархларни белгилаш ҳўқуқини маҳсу-лот ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг ўзларига бермоқда. Бу биринчи нав-батда, озик-овқат маҳсулот-лари ва саноат корхоналари учун хомаше етиштирилади-ган қийимлик ҳўжалигига те-

гишлидир. Бу нима демандир? Бу шартномавий (эркин) нарх-ларнинг корхоналар ва ҳў-жалиқларнинг хомаше ва материаллар сотиб олишга, иш ҳақи тўлашга, ёқилги ва хизматлар ҳақини тўлашга ва ҳўазозларга харажатлари-дан келиб чиққан ҳўлда шаклланиши демандир. Бун-дан ташқари, ҳар бир кор-

хона ва ҳўжаликни ишлаб чиқаришни ривожлантириш-га ва меҳнат жамоасининг ўзининг ижтимоий соҳаси муаммоларини (уй-жой, бо-лалар қўчалари, газлашти-риш, ичимлик сув билан таъминлаш, поликлиникалар, профилакторийлар, эҳтиёж-манд оилаларни таъминлаш ва бошқалар) ҳал қилишга йўналтирилган маблаг-лар зарур. Ҳўкумат бунда нархларнинг кескин ошиб кетишига ҳамда истеъмолчи-ларнинг аҳволи ёмонлашуви-га йўл қўймаслик чора-тад-бирларини кўрмоқда.

Республика Ҳўкумати томонидан асосий озик-овқат маҳсулотларининг шартно-мавий чакана нархларига стихияли эмас, балки бос-қичма-босқич ўтишга қарор қилинди. 20 июлдан бошлаб 1993 йилининг охиригача дав-лат бугунги кунда аҳолига меъёрий бўйича сотиляёт-ган энг зарур асосий озик-овқат товарларига, уларнинг нархи оилавий оидкетта кескин таъсир этмаслиги учун, сарфланган ҳақининг харажатларининг мўайин қис-мига дотация беришни давом эттирди.

Мана шу мақсадда «Ўз-бексавдо» уюшмаси ва Ўз-бекбиролашув ҳўзурида ча-кана нархларини бошқариш-нинг бюджетдан ташқари махсус жамғармаси ташкил этилди. Бу жамғарма бюджет маблаглари (1993 йил-да), «Ўзбексавдо» уюшма-си, Ўзбекбиролашув, савдо тармоқларига ага бўлган ва-зирликлар ва идораларнинг маблаглари, уларнинг товар-ларини тўжорат нархларида сотишдан олган даромадла-ри, товарлар ва бошқа мад-баларни қайта божлаш, шу-нингдек, хайрия жамғарма-лари, республика корхона-лари ва ташкилотларнинг ихтиёрий бадаллари ҳисоби-га шаклланади.

Бунда шу нарсани таъ-кидлаш муҳими, товарлар

нархининг ҳар галги ўси-шига қараб, ҳозирга қадар бўлганидек, иш ҳақи, пенсия-лар, нафақалар ва стипендия-лар олдиндан ошириб бори-лади.

Шуни таъкидлаш керак-ки, гарчи, масалан, Қозғис-тондан олнб келинаётган 4 кг бўғдойнинг нархи 80 сўмгача кўтарилган, унинг Ўзбекистондаги харид нарх-лари эса бугунги кунда 50 сўмин ташкил этган бўлса-да, республикада ноннинг (1 кг учун ўртача 20 сўм) ва унинг (1 кг учун ўртача 30 сўм) давлат томонидан белгиланган чакана нарх-лари сақланиб қолади. Орада-ги тафовут эса тўлиқ бюджет ҳисобига қопланади ҳамда у йилининг ҳар чорай бўйича 28 миллиард сўмдан иборат бўлади. Бу республикадаги ҳар бир киши ҳис-обига 1300 сўмин ташкил этади.

Қўтилик озик-овқат маҳ-сулотларини шартномавий (эркин) нархлар бўйича со-тишга ўтиш аста-секин амал-га оширилади ва у асосан 1994 йилининг 1 январига қадар туғаллиниши керак.

Учинчи сабаб. Маълумки, республикада бутун аҳолини, айниқса унинг ижтимоий кам таъминланган қатламла-рини ижтимоий ҳимоя қилиш юзасидан мунотазам ва аниқ мақсадга қаратилган ишлар амалга оширилмоқда. Рес-публика аҳолисига тўғридан-тўғри ва қўшимча берилят-ган тўловлар ва имтиёзлар рўйхатининг ўзига бугун-ги кунда 36 та имтиёзлар қўйилди. Уларга давлат бюджетидан ҳар ойда миллиард-лаб сўм ажратилмоқда.

Масалан, кейинги вақтда иш ҳақи, стипендиялар ва пенсиялар, шунингдек, иж-тимоий нафақаларнинг оши-рилиши бир ой оралигида икки марта қайта кўриб чи-қилди. Уларга йил охирига-ча қўшимча равишда қарийб 650 миллиард сўм сарфла-

нади. Бироқ бугунги кунда республикада вужудга кел-ган ижтимоий ҳимоя чора-тадбирлари аниқ мўлжалли эмас. Бошқача қилиб айт-ганда, давлат бюджетидан дотация бериладиган имтиёз-ли паст нархлардан аслида оила бўйича нисбатан паст даромад олувчилар ҳам, юқо-ри иш ҳақи ва даромад олу-вчилар ҳам бирдай фойдала-нмоқдалар.

Шу сабабли бугунги кунда нархларни ушлаб туришга (бу билан маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг эркинлиги ва ташаббускор-лигини чеклаб қўймоқдамиз) йўналтирилган катта маб-лагни энг аввало эҳтиёжман-ларга мақсадли ёрдам курс-тишга ва уларни қўллаб-қувватлашга сарфлаш вази-фаси турибди. Лекин бу ёр-дам янада салмоқли бўлиши керак. Мана шу мақсадда Вазирлар Маҳкамаси илғор мамлакатларнинг мавжуд тажрибани ҳисобга олган ҳўлда эҳтиёжманларга ёр-дам кўрсатиш тартибини тубдан тақомиллаштириш юзасидан зарур қарорлар тайёрламоқда ва бу қарор-лар яқин вақтлар ичида қа-бул қилинади.

Нарх белгилаш масала-ларида бузилишларнинг ол-дини олиш ва уларни барта-раф этиш мақсадида Молия вазирлигига, Давлат солиқ бош бошқармасига, маҳаллий ҳўкимият органларига ҳўжа-ликлар, бирлашмалар ва корхоналар томонидан шарт-номавий (эркин) нархларнинг рентабеллигининг чегарала-ган даражаларини белгилаш йўли билан тўғри шакл-лаштирилиши устидан қаттиқ давлат назоратини таъмин-лаш, шунингдек, зарурат бўлганда қўлда бузувчилар-га нисбатан «Монополистик феолиятни чеклаш тўғриси-да»ги Ўзбекистон Респу-бликаси Қонунига мувофиқ жарима санкцияларини қў-лаш топширилади.

ИСТИҚБОЛИМИЗ ЁШЛАР ҚЎЛИДА

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ЁШЛАР ВАКИЛЛАРИ ЯНГИЛИШИДАН

Вилоят йиғилишининг бу анжумани табирируқ истиқло-лимизнинг иккинчи йиллиги арафасида ўтказилган бе-нимас.

Қалби яратиб, яшатиш ишқин билан ёнган, келажакга буюк, Ўзбекистоннинг чи-макам ворислари эртанги кунимизга, истиқболни ис-тиқболимизга ўзларини би-ринчи навбатда масъул, ви-лоят деб билишмоқда. Ви-лоят ҳўкимини, Ўзбекистон Республикасини халқ депутат-ли Миллажон Исмоилининг «Ўзбекистонда ёшларга онд Давлат сийсати асослари ҳа-қида»ги Қонунини амалга

оширишда вилоят, шаҳар ва туман ҳўкимлари, жа-моат ташкилотларининг ва-зифалари тўғрисида»ги ма-саладан муҳокама қилган фа-оллар йиғилишидаги маъ-рузасида ҳам бу ўз ифодасини топди. Қанчадан-қанча долзарб масалалар турганида нима учун айнан шу масала кун тартибига олиб чиқилди? Са-баби, вилоят аҳолисининг 62,6 фоизини ёки 1 милли-

он 463 мингтагани ёшлар ташкил этади. Уларнинг аксарий қисми бугунги кун-да Президентимиз Ислам Каримовнинг чуқур таҳлил қилганган илмий асосларига таянган иқтисодий йўлнинг бош сарбонларидандир. Ёшларнинг давр дардла-рини тўғри англаб етиши, мустақиллигини ҳар қандай манфаатлардан устун қў-йишга интилиши туғайли ҳам бундан икки-уч йил ав-вал издан чиқа бошлаган иқтисодий тобора ўз ўрнига тушиб бормоқда. Олдий ми-сол, солиқ Иттифонининг

ҳамма ерида ишлаб чиқариш ҳажми кун сайн орта кета-ётгани ҳақида жар сомиш-моқда. Фарғонада эса бунинг акси. Саноат корхоналари маҳсулот ишлаб чиқариш суъратини ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,3 фоизга ўстиришга эришил-ди. Ўшқча соҳаларда ҳам шундай силжиллар рўй бермоқда. Фақат қурилиш-нинг ўзида 10,9 миллиард сўм капитал маблаг ўзлаш-тирилди. 41 минг квадрат метр, 1080 ўринли болалар боғчалари фойдаланишга топширилди. Бу қўрсаткич-

лар ўтган йилги даража-дан тенг баравар кўпдир.

Вилоят ҳўкимини ҳўзурида ташкил этилган жўнолчи-ликка қарши кураш тезкор штатининг асосини ҳам ёш-лар ташкил этади. Уларнинг жасурлиги, қаҳрамонлиги туғайли шу йилнинг 6 ойи-да юздан ортиқ жўнолий гу-руҳга бириккан 300 дан зиёд жўнолчи, ўғри, ғала-мис, шўбалии шахслар қўлга олинди. Улардан тор-тиб олинган 60 миллион сўм-лик буюм ва пуллар, 65 та автомашина қонуний ағала-рига қайтарилди. Жўнолчи-нинг барча турлари ўтган йилга нисбатан анча камай-ди. Биргина мисол, ўтган йилнинг биринчи ярмида ёшлар ўртасида 124 та қо-

нунбузарлик фактлари со-дир этилган бўлса, бу йил ана шу қўрсаткич 41 тага тушди. Ёшлар тарбияси, би-лим олиш доимо эътиборда бўлмоқда. Мустақиллини туғайли қатор лицейлар, гим-назиялар очилди. Айни чо-гда Туркияда 212 нафар ёш-билим, ҳўнар сабоқларини ағаллашмоқда.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ма-влон Умуразонов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Йиғилиш қатнашчилари мустақил Ўзбекистон ёшла-рига қарата мурожаат қабул қилдилар.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қадырлы, Ёлмиён, Со-
молдиди, тегинди, урпа-
чи куллар генерал Аялди
турудига қарши жангвор
дарекатларини тўхтатмоқчи
эмас.

Энди қурол миллатди-
ни пайт келди, деда БМТ
шар қотибини Сомалидаги
ҳеҳе нақили Ж. Хаси Мо-

гадшинода, — биз бирга
қилинган ҳаракатларига му-
носив жанов берамиз.

Аялди тўдаси хилқиро қў-
шиллар таркибидиги покис-
тонлик 24 аскарини ўлдириш-
ди авбланимоқчи. Шу сабаб-
ли Ж. Хаси Могадди генерал
билан сулҳ шартномини тузи-
ш эҳтимолини пай қилиш

Дарг томчилари

Аслида бу мавзу янгилик эмас. Бир неча йиллардан бери матбуотда бу ҳақда тинимсиз ёзилмоқда. Айтиш мумкин, кўпчиликни ўйлантиратган, бутунги публицистиканинг оғирлиги натижасида бу ҳақда тинимсиз ёзилмоқда. Айтиш мумкин, кўпчиликни ўйлантиратган, бутунги публицистиканинг оғирлиги натижасида бу ҳақда тинимсиз ёзилмоқда. Айтиш мумкин, кўпчиликни ўйлантиратган, бутунги публицистиканинг оғирлиги натижасида бу ҳақда тинимсиз ёзилмоқда.

Хўш, бу билан нима ўзгарди, деган ҳақли савол туғилиши табиий. Ишсиз қорған Исмомил аканинг касалхонага қорувли этиб тайинланганлигини ҳисобга олмаса, айтарли ҳеч нарса. Мақола муаллифи у кишини «қўрақ», «уч йил ичда анча қўқиб қолди» деди.

Ушбу мақолани ёзаётганим, кўнглимдан баъзи нишоблар кечмоқда. Бир жабрдийда инсоннинг дарду ҳасратларини қозонга тушириш билан бирор нарса ўзгартириши мумкинми? Мақалани раҳбарлар бунинг ўқитиш, навайнинг аҳолига оғир экан-ов, дея Исмомил акага бироз бўлса-да, қайишармиканлар? Орадан уч-тўрт йил ўтиб, у кишини қайта учратиб, мен ҳам юқоридagi ҳамкасбининг надомати эътирофини тақдорламасмиканман?

Хуллас, жавобсиз саволлар бўлса...

— 1988 йилнинг март ойида Илчи (ҳозирги Ш. Рашидов) тумани ҳарбий комиссариатидан қақирув қорғон келди, — дея ҳикоя қилади Исмомил Нуралиев.

Бордим. Уч кундан сўнг аскарча кийим бериб, олиб кетишди. Қарга борамиз, деган саволимизга жавоб қилишди. Туман бўйича, чамада бир неча ўн нафар одам бор эди. Поезда уч кун дегайда Чернобилга етдик. Шундагина бизни қарга ва нима учун олиб келишганини аниқлади.

Биз фалокат содир бўлган жойдан 30 кичирим узоқликда палаткалар қуриб, яшай бошладик. 15 кун қарорғода майда-чуйда юмушлар билан андармон бўлсак, 15 кун ўша «кариш теккан» жойда ишлардик. Ер остига кабелъ ташиб, ҳувиллаб ётган уйлари тозалардик. Кунига айтиб бир соат ишлаб шу заҳоти врач назоратидан ўтиш, уқол олиб, кийимимизни алмаштириш лозим. Махсус уст-бос берилмади, «партизански формада» юрардик.

Тушлик вақти дўхтир кўригидан ўтганда, агар кийиминг ийилмиш, доза (нурланган) болити аниқлаш, у кишини, ошхонага киритилмас, ўдустлари но-по-либ бериб беришарди. Кунига ўн сўдан ҳақ ёзишарди. Бир кун бошлиқ мажлис қилиб, таъкилотимиз давлатдан анча қарор бўлиб қолган (?), шунинг учун бундан ортиқ тўлай олмаимиз, деди. Шунинг ҳам вақтида ололмадик...

Исмомил ака бошидан кечирган қийинчиликни ҳикоя қилади. Лекин у тилда заррача ёзғирмайдиган, шу ахлоқга тушиш-

га чора ахтариб қорибди. — Чернобилдан қайтган, қиз кўрдик. Биласизми, унинг ранги ҳайратланарли даражада заҳарон эди. Ўзини ниҳоятда ниможон туртилган. Қанча елиб-югурмайлик, барибир нобуд бўлди. Ундан кейин беш яшар қизчамаздан ҳам ажралиб қолдик. Худога шукр, ҳозир икки ёшли ўғлимиз бор. Илоҳим, бахтимизга шу ёлғизимиз омон бўлсин-да, ишқилиб. У билан янгангиз ҳам тез-тез тиббий кўриқдан ўтказилиб турилиши керак. Негаки, улар мен билан бирга яшашди. Аммо врачлар бунга жиддий эътибор қилишмаптирлар. Мутасадди дўхтирларга ҳам, туман соғлиқни сақлаш бўлимига ҳам неча бор учрашиб, хотиним билан ўғлимни кўриқдан ўтказишларини илтимос қилдим. Хўш, ўзимиз унингизга борамиз, дегайда беришди, бироқ сира натижа йўқ...

Исмомил ака сўзлашдан тўхтаб, ерга қарайди. Ниманидир айтсамми, йўқми дегандек бироз таралдилади. Ниҳоят, қўлидаги қозони сиқиллаганча гапга тутинади.

Соту тишларим тўқилиб кетганга ачинмайман. Фақат...

тиради Исмомил Нуралиев. — Исқича чидай олмаймак. Ҳозир ёз пайти. Қулар исий бош-лагани сари кечалари бошим гўриллаб, суякларим қақшаб оғриб чиқади. Ичиндан тўхтовсиз қон, йиринг кетаверди. Ҳар йили 15—20 кун раёбалинсага ётиб чиқаман. Қани, энди даволашлар эм бўла қолса. Унинг устига, тинимсиз ичим гўлдираб туради. Гулистонга бориб текширтирсам, ўн икки бармоқли ичатиғизда яра бор, дейишди. Аммо оқат есам-емасам шу аҳвол. Дўхтирлар, суяқ қақшагани нурланиш оқибати, яхшироқ жойга бориб даволаниш, дейишди нари ўтишолмади. Ҳарбий госпиталга йўллама беришган. Айтишларича, ўша жойда ҳар қандай дардин бутунлай даволашга қодир дўхтирлар бор экан. Қанидир, мен ҳам у ердан буткул соғайиб чиқиб кетсам...

Қоровулчиликдан оладиган маошим оила тебратига етмайди. Қўл учда кун кўраётимиз. Бун-

шаҳарда қийналиб юрганлиги мен кўпроқ ўйлантиради. Майли, Исмомил ака истикомат қилган Сирдарё вилоятининг Шароф Рашидов туманидаги маҳаллий раҳбарларга ҳам «муҳтож оилаларга моддий ёрдам берма-ётирлар», деган айбон ёпиштирмайлик (ҳар кимга яратганининг ўзи инсоф берсин). Ҳозир амалдорларга ҳам осон эмас, шусиз ҳам ташвишлари етарлидир, балки. Лекин қайсидир маънода уларга таъна қилишга ҳаққимиз бор. Ахир, бир жойда яшаб, аҳволнинг кўра-била туриб, унга ёрдам бермаслик одамийликнинг мезонига тўғри келадими? Бу улар учун «карнайчидан бир пўф», дегандек гап-ку!

Айтиш мумкин, бутунги кунда республикамизда чернобилчиларга қўллаб-қувватлаш яратиб берилаётган. Жумладан, Олий Кеңаш Раёсати билан Вазиirlар Маҳкамаси Ўзбекистон чернобилчиларини яхшимой ҳимоялаш, уларга моддий ва тиббий ёрдам бериш ҳақида муҳим ҳужжат қабул қилди. «Ўзбекистон чернобилчилари» уюшмаси рўйхатдан ўтказилиб, зарур шарт-шароитлар яратиб берилган. Уюшма раиси А. Исломхўжаевнинг айтишича, ақинда улар «Чернобил иттифоқи» халқаро уюшмасига ҳам аъзо бўлишди.

Шундай экан, бу борада қабул қилинган барча қарорлар режалаштирилган юмушлар қорғода қолиб кетмаслиги лозим. Негаки, уларнинг ортида минглаб жабр-дийда инсонларнинг тақдирини тур-рибди. Ушунга Исмомил Нуралиев каби чечма кишиларда яша-ётганларга ҳам эътиборни қўйиш-тирса яхши бўларди. Бунинг учун уюшманинг вилоятларда ташкил этилган бўлимлари назоратини қўйишларини даркор. Лекин, бу чернобилчиларга таъхир қилиш фақатгина маъқур уюш-мининг иши, дегани эмас. Уларнинг қисматлари учун ҳар бири-нинг масъулият. Айтишларича, нурланиш оқибатлари ўз вақтида бартараф этилмаса, бу иллат на-слдан-насла ўтиб, икки-уч юз йил-дан кейинги авлодларнинг ҳаёти-ни ҳам оғуллаш мумкин экан.

Энг даҳшатлиси ҳам мана шунда! Миллатнинг, халқнинг келажигини ўйлайдиган ҳар хил таъкилотлар-у, уларнинг раҳбарлари, қола-верса, барча ориф, виждонли кишилар бунга бефарқ қарай ол-мас, деб ўйламан.

Мақолага сўнгги нуқта қўя-тирману, Исмомил аканинг бир гап-бот-бот ҳаёлимда тақорла-наверди. Сўхбатимиз адоғига етгач, кета туриб, у кишини, «на-сиб этса, бу дардлардан ҳам бу-тунайли фориг бўлиб, ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетарман. Илоҳим, яхши кунларда учра-шайлик, уқажон», деди. Зеро, меннинг ҳам кўнглимдан шу гап-лар кезаётган эди.

Ғафур ШЕРМУХАММАД,
«Халқ сўзи» мухбири.

СИЗ КУТГАН, УЧРАШУВ

САҲИФАМИЗДА

«ОҚШОН ТЎЛҚИНИЛАРИ»

АГАР газетада овозин бериш имкони бўлганда эди, сиз сўхбатдошимизни дарров таъинлардингиз. У киши жума куниндан ташқари ҳар неч сиз билан «Оқшом тўлқинлари» орқали мулоқотда бўларди. Сўхбатдошимиз шу эшитириш бош муҳаррири Эркин Худоберганов. У киши 1966 йилдан бундан радиода журналист сифати-да фаолият кўрсатади.

— Эркин ака, сиз муҳар-рирлик қилаётган «Оқшом тўлқинлари»нинг тинглов-чилари республикамизда кўпчиликни оммавийлигининг сирини нимада?

— Ҳамма ишдан бўшаб, ҳордиқ чиқарадиган қўлай вақтда эфирга чиқишда бўлса керак. Тахририяти-мига келадиган хатларга қараганда, кўпчилик тинг-ловчиларимиз, асосан, қиш-лоқлардан. Унингиз биласиз, радио газеталарга нисба-тан тезкор. Одамлар ҳаёт-янгиликларини, аввало, ра-диодан эшитишади. Шунинг учун ҳам эшитиришимиз одамлар эътиборига туш-ган, деб ўйламан. Бундан ташқари, тингловчиларимиз билан тез-тез учрашиб, фикр алмашамиз.

— Лекин ахборотларини одамларга қай даражада етказишга ҳам кўп нарса боғлиқ...

— Гапингиз тўғри. Биз-нинг матбуотда қиёс қилиб анъанавий иш йўсини ма-вжуд. Агар ҳукумат маълум бир соҳага, тегишли қарор қабул қилса, ақсарият на-шрларимиз ўша қарор моҳия-тини таҳлил этиб, халққа етказишга ҳаракат қилади. Биз эса, ақсарият, қарорини одамларимиз қай даражада қабул қилишгани, кишилар-имиз қалбига ақс-садо бер-ганига қараб, яъни жузъий-дан умумга, фуқародан жа-миятга қараб борамиз. Бу бизнинг иш йўсинимиз.

Ишнинг кўпроқ қўчадан, трамвай-троллейбусдаги одам-лар гапидан, мактублардан бошлаймиз. Эшитиришимиз-даги материалларнинг 80 фоизи ҳам чет муаллифла-римизники. Албатта, кўча-даги гап доим ҳам ҳақ бў-лавермайди. Лекин халқ оидил. Халқ ҳақ гапни айта-ди. Эшитиришимиз халқ сўзига ҳақоқан бўлгани учун, бизга одамлар му-назаам кўнглири қилишади, турли хил муаммолар билан келишади. «Оқшом тўлқин-лари» бос қареддири му-аммолар ўз ечимини топа-пти. Шунинг учун одамлар бизга мурожаат қилишап-

тики, биз бундан хурсанд-миз.

— Радиодастурга беш йил муваффақ Абдусамат Исоков асос солган. Бир йилдан сўнг сиз таъом этти-ра бошлаганингиз. Эндиликда бир гуруҳ ижодкор ёшлар келиб қўшилиди. Ижодия жамоа келгусида изланиш бора-сида одамларга қандай янгиликлар ҳақда қилмоқчи?

— Иш бор жойда камчи-лик бўлади. Дастури-миз шаклланишида Анвар Абду-валиев, Баҳром Усмонов, Дилором Умарова, Уктаб Йўлдошев, Аҳмадхон Буз-руковларнинг хизматини таъкидлаб ўтиш жоиз. Улар-га умидли ёшларимизни бириктириб қўйдик. Ижо-дий ҳодимларимиз изла-нишгапти. Дастури-миз ижо-дий қатлам жаҳатдан маъ-лум бир пиллапоёга кў-риқди. Техник воситаларга боғлиқ муаммоларимиз ма-вжуд. Бу эшитиришимизни сифат жиҳатидан янада шакллантиришга ҳалал бе-рапти. Шунингдек, ижо-дий изланишларимизни жа-миятимиздаги баъзи бир қусурларини тўғри анигла-б, ўз тақлиф ва ташаббуслар билан чиқарган аниқ оқим билан, журналистлар билан боғлиқлигимиз лозим. Акс ҳолда, биз юқорида таъкид-лаб ўтган пиллапоёда деп-синиб қолаверамиз. Мух-лисларимиз ҳафтини ҳар кун эфирга чиқишимизни исташади. Бизнинг бунга кучимиз етмай турибди.

— «Оқшом тўлқинлари» раёбатлашадиган, ундан кўриб «ранголадиган» бош-қа эшитириш ҳам бори?

— Эшитиришимизнинг «назоратчилари» бор: улар, асосан, Тошкент шаҳрида-ги қарилар. Ҳар бир эши-тиришимизга, ҳатто ундан берилаётган қўшниларида муносабат билдирилади. Шунинг учун ҳам кейинги пайтда миллийликнига ёт эс-трада қўшнилари дастури-миздан чиқарилади. Ҳар бир муносабатини илҳом бори-ча эфирга олиб чиқаётгани-гимиз, «назоратчи»ларимиз сафрининг кенгайишга олиб келаяпти.

«Халқ сўзи» мух-бири,
Расул ЖУМАЕВ
сўхбатлади.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ: ТОЖИКИСТОН

ТОЖИКИСТОН ўз эҳтиёжини қоплайдиган йилги бойликларига эга. «Тожикистон» ишлаб чиқариш бир-лашмаси бош директори Н. Маликов «Ховар» ахборот агентлиги мухбирига шундай деди.

УНИНГ айтишича, мамла-катда мавжуд бўлган нефть хазинаси 140 миллион то-надан, газ эса 800 миллиард куб метрдан ортиқ. Лекин қазилма бойликларининг асо-сий қисми 7—8 минг метр чуқурликда жойлашган. Энг янги мосламалар ва тақо-миллашган техника бўлмаса, бу бойликларни қазиб олиш қийин. Шу боис Америка фирмалари тақлиф этилмоқ-да. Хорижий мутахассислар ёрдами билан шу йилнинг ўзидеёқ қазил ишлари бош-ланади. Қўлоб шаҳридан бора-йўн 12 чакирим нари-даги Хўжасарт қониди бургулаш бошланади. Бу қондан бир миллиард куб метр газ олиш мўлжаллан-моқда. Енилик фақатгина Қўлоб шаҳри эмас, балки унинг атрофидagi аҳоли мас-калари эҳтиёжини қонди-риш учун ҳам етарлидир.

ҲОМИЙСИ — ИЖРОҚҶМ

«БОЙЧЕЧАН» журналининг янги соми ўқувчилар қўли-га етди. У тожикистонлик кичиктой ўзбекларга ман-этр бўлди. Душанбе шаҳар ижроқҶм оймага ҳо-мийлик қилаётти.

Жумҳуриятдаги энг йи-рик Хатлон вилоятида ҳам «Дўстлик» газетаси ўзбек-тильда чиқа бошлади. Вил-лоят ижроқҶм қўмитаси кўп сонли аҳоли истагига қўлоқ

тутиб бу ишга бош қўшди. Муштарийлар бу нашр икки халқ дўстлигини мустаҳкам-лашга хизмат қилиши тайин дейишмоқда.

Ўришбой УСМОН.

Ўзбекистон Фанлар ака-демияси «Кибернетика» ил-мий ишлаб чиқариш бир-лашмаси жамоаси бош му-ҳандиси Э. Ҳошимовга онаси

ҲОШИМОВА

Муҳаррам аянинг

вафоти муносабати билан

чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекенгилсановат» Ўз-бекистон давлат уюшмаси Тошкент шаҳри ва вилояти корхоналари директорлар кенгаши республика трико-таж буюмлари модалар уйқ-директори З. Болтабоевага турмуш ўртоғи

ҚОРАБОВнинг

вафот этганини мунс-бат билан чуқур таъзия билди-ради.

● МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Набатчи муҳаррир
И. Тошев,
Набатчи
Г. Эшмуродов.

Ксерокс 5026

Кичик ҳажмдаги
универсал ишлаб
чиқариш машинаси

Машина 5026 - Сизнинг офисингиз кўриқдир. У "катта машиналар" доирасидаги барча имкониятларни ўзида мужассамлаштирган. Кўчирма нусхалар 50%-200% масштаблар кенглигида катталаштириш ёки кичайтириш билан тайерланади. Кўп нусхадаги қорғозлар чиқариш зарурати туғилганда бир лотокдан иккинчисига улаш орқали бетухтов ишлаш билан амалга ошириш мумкин. Лотоклар В5-А3 ҳажмдаги материалларни қабул қилади, қўлда ишлатиладиган мослама эса А6 дан (почта гулқорғозлари) А3 гача ҳажмда қабул қилиш имконига эга. Машина оригиналнинг ҳажмига қараб автоматик равишда керакли қорғоз ҳажмларини танлайди. Қора-қизил ранглардаги кўчирмалар стандарт ҳисобланади. Қўшимча ҳаворанг, жигарранг ва яшил ранглар ҳам бор.

Xerox®
The Document Company

XEROX®



UZBEK XEROX

Тошкент, 700000, Буюк Турон кўчаси, 41
телефонлар: 33-54-25
32-57-50, 32-56-54



Хегох компаниясининг Марказий Осиё мамлакатларидаги расмий дилери - "Ўзбексерокс" қўшма корхонасидир. Сиз фақат биздагина Хегох жиҳозларини кафолати билан олишингиз мумкин:

- юқори малакадаги сервис хизмати;
- заҳира қисмларини етказиб бериш;
- ишлатиладиган материаллар билан таъминлаш.

XEROX®

Authorised
Dealer

БИЗНИНГ ҲУДУДИ ВАКОЛАТХОНАЛАРИМИЗ:

"Наби комитет"
Ғулистон, 707000, Ш. Рашидов кўчаси, 127, тел. 36-722
"Илак йўли" ўзбек-хитой савдо уйи
Фарғона, 712000, Високвольная кўчаси, 2, тел. 48-109

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Кеңаши Раёсати
ва Ўзбекистон Республикаси
Вазиirlар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖУРАБОВ

ТАХРИР ҲАЯЪАТИ:

Абдунаби БОЯҚУЗИЕВ, Эсирган БОЛИЕВ (масъуль нотиб, «Халқ сўзи»), Эркин ВОҲИ-ДОВ, Миралма Миралминов, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Леа ПАҚ (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қўлахмад РИЗАЕВ, Ален-сандер ТЮРИКОВ (масъуль нотиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲЕЕВ, Пиримқўл ҚОДИ-РОВ, Мухаммадхон ҚОРАБОВ, Салҳаддор ҒУЛОМОВ.

ХАЛҚ СЎЗИ

НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОИЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64808.



Рўйхатдан ўтиш тартиб № 0001 Буюртма Г—441.97346 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қорғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди 23.00.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6